

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЗИЗОВА ДИЛЗОДА МАРАТОВНА

**АТЕРОСКЛЕРОЗДА АПОПРОТЕИНЛАРНИНГ РЕЦЕПТОРЛАР
БИЛАН ТАЪСИРЛАНИШИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ҲУЖАЙРАВИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

03.00.01 – Биокимё

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Азизова Дилзода Маратовна

Атеросклерозда апопротеинларнинг рецепторлар билан таъсирланишининг молекуляр-хужайравий механизмлари..... 3

Азизова Дилзода Маратовна

Молекулярно-клеточные механизмы взаимодействия апопротеинов с их рецепторами при атеросклерозе..... 33

Azizova Dilzoda Maratovna

Molecular cellular mechanisms of interaction of apoproteins with their receptors in atherosclerosis..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 68

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АЗИЗОВА ДИЛЗОДА МАРАТОВНА

**АТЕРОСКЛЕРОЗДА АПОПРОТЕИНЛАРНИНГ РЕЦЕПТОРЛАР
БИЛАН ТАЪСИРЛАНИШИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ҲУЖАЙРАВИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

03.00.01 – Биокимё

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Tib551 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи:

Сабилова Рихси Абдукадировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Носир Мухамеджанович
биология фанлари доктори, профессор

Парпиева Наргиза Нусратовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ишигов Ибрагим Агаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозғистон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Ж. Аллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда юрак қон томир касалликлари (ЮҚТК) - ўлим ва ногиронликнинг асосий сабаби, у туфайли йилига 17,9 млн. киши ҳаётдан кўз юмади. Бу сайёрадаги барча ўлимларнинг учдан бир қисми, ноинфекцион касалликлар билан боғлиқ ўлимларнинг деярли ярмини ташкил қилиб ва бу ўлимларнинг 85% га яқини юрак касалликлари ва инсульт сабабли рўй беради. Бундан ташқари, 70% беморлар юрак қон томир тизими касалликларидан тўсатдан вафот этади. 50% дан ортиқ ҳолларда атеросклерознинг субклиник босқичида содир бўлади. Аксарият юрак қон томир тизими касалликларининг асосида атеросклероз бўлиб, у кўп йиллар давомида клиник белгиларсиз, ирсий омилларсиз, турмуш тарзига таъсир қилмасдан содир бўлади. ЖССТ маълумотларига кўра «...юқумли бўлмаган патологиялар орасида ЮҚТК билан касалланиш умумий аҳолининг 12% ини, ўлим ҳолатларининг 30% ини ташкил этади...»¹. Атеросклерознинг кенг тарқалганлиги ва ўлим даражасининг юқорилиги уни даволашни замонавий тиббиётнинг ўткир муаммолар сирасига киритиш зарурлигини белгилайди. Ҳозирги кунда атеросклерозни эрта ташхислаш учун бир қатор янги биологик маркерлар ишлаб чиқилган, аммо уларни клиник диагностика амалиётида қўллаш бўйича аниқ кўрсатмалар йўқ. Атерогенезнинг патофизиологик йўллари аниқлайдиган циркулятор биомаркерлар субклиник атеросклеротик томир ўзгаришларини визуализация қилишда инвазив усулларида кўра хавфни эрта аниқлашда кўпроқ маълумот беради. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, томирларнинг атеросклеротик зарарланишида эрта ташхислаш ва коррекциялаш зарарсиз, самарали таъсир қилувчи, табиий ва антиоксидант хусусиятларга эга дори воситаларнинг таъсирини баҳолаш замонавий биокимёнинг ечимини топиш зарур бўлган долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда атеросклерозда апопротеинларнинг рецепторлар билан таъсирланишининг молекуляр-ҳужайравий механизмларини баҳолашни такомиллаштириш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада атеросклеротик шикастланиш ривожланишида липопротеинга-ассоцирланган фосфолипаза А₂нинг (ЛП-ФЛА₂) аҳамиятини, фосфолипидлар фракциясини ва ёғ кислоталар спектрини, ЗПЛП рецепторлари ва оксидант-антиоксидант тизими бузилишининг аҳамиятини, уларнинг атеросклероз ривожланиш динамикасидаги ўзгаришини; атеросклерозда липопротеин кўрсаткичларига, ЛП-ФЛА₂ фаоллигига, фосфолипид ва ёғ кислоталар миқдorigа статинлар билан биргаликда био-препарат «Биомайс»ни қўллаш самарадорлигини баҳолаш, атеросклерозда липопротеин рецепторлари аппаратининг тикланиш даражасига, оксидант-антиоксидант тизим кўрсаткичларига биомайс + статинларни комплексда қўллаш мақсадга мувофиқлигини морфологик асослашга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

¹ World health statistics 2023: monitoring health for the SDGs, sustainable development goals

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли этиологияли соматик касалликларни олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устивор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, атеросклерозда апопротеинларнинг рецепторлар билан таъсирланишининг молекуляр-хужайравий механизмларини баҳолашни такомиллаштириш борасида тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Атеросклерозда апопротеинларнинг уларнинг рецепторлари билан ўзаро таъсирининг молекуляр-хужайравий механизмларини баҳолашни такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Chicago, University of Minnesota, Harvard University, Oppenheimer Atherosclerosis Research Center (АҚШ); Technische Universität München, Ludwig-Maximilians University, University Heart Center Freiburg (Германия); University of Turku (Финландия); Maastricht University (Нидерландия); Lund University (Швеция); University of South China (Хитой); А.Л.Мясников номидаги Клиник кардиология

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.uchicago.edu, www.twincities.umn.edu, www.hartfordinternational.edu, www.cshs.org, www.tum.de, www.lmu.de, www.ims.uniklinik-freiburg.de, www.utu.fi, www.maastrichtuniversity.nl, www.lu.se, www.usc.edu.cn, www.rusintervention.ru, www.cardiocenter.uz, www.tta.uz

илмий тадқиқот институти (Россия Федерацияси), Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Атеросклерозда апопротеинларнинг рецепторлар билан таъсирланишининг молекуляр-хужайравий механизмларини баҳолашни такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: атеросклероз ривожланишида зичлиги паст бўлган липопротеидлар, липидлар, иммунитет ва генлар билан боғлиқлигининг иммуногенетикасининг ўрни ва аҳамияти асосланган (University of Florida, Oppenheimer Atherosclerosis Research Center, АҚШ); атеросклерозда тўқима омили йўлининг ингибитори ва қон томирларининг стенозида кальцификация аҳамияти исботланган (University of South China (Хитой), University of Milan, Италия); атеросклерозда дислипидемиянинг, оилавий гиперхолестеринемиянинг ва тўйинган ёғ кислоталарининг атеросклеротик жараёнларнинг фаоллашувидаги ўрни кўрсатиб ўтилган (Technische Universität München, Олмания; University of Fudan, Хитой); атеросклерозда биокимёвий ўзгаришларни баҳолашда алоҳида хужайраларда РНКни секвенирлаш тартиби ишлаб чиқилган (University of Minnesota, АҚШ); ҳаёт тарзи ва анаъанавий хавф омилларидан ташқари атеросклерозга сабаб бўлувчи янги ташқи таъсирлар исботланган (University of Ludwig-Maximilians, University of Heart Center Freiburg, Германия); атеросклерозда апопротеинларнинг рецепторлар билан таъсирланишининг молекуляр-хужайравий механизмларини баҳолаш тартиби такомиллаштирилган (Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Дунёда атеросклерозда апопротеинларнинг рецепторлар билан таъсирланишининг молекуляр-хужайравий механизмларини баҳолашни такомиллаштириш қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: тажрибавий атеросклерозда липопротеин кўрсаткичларига «Биомайс»ни статинлар билан биргаликда қўллаш самарадорлигини аниқлаш механизмини ишлаб чиқиш; тажрибавий атеросклерозда ЛП-ФЛА2 фаоллигига, фосфолипид ва ёғ кислоталар таркибига «Биомайс»ни статинлар билан биргаликда қўллаш самарадорлигини баҳолаш; тажрибавий атеросклероз ривожланган қуёнларда липопротеин рецепторлари тизимининг тикланиш даражаси, оксидант-антиоксидант тизимининг кўрсаткичлари бўйича «Биомайс»ни статинлар билан биргаликда қўллаш самарадорлигини баҳолаш ва морфологик асослаш тартибини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё олимлари атеросклероз ривожланишининг молекуляр-хужайравий механизмлари ва эрта ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда. Склероз жараёнини эрта ташхислашга визуал, циркулятор ва генетик биомаркерларни бирлаштирган тадқиқот натижалари илмий нашрларда баён қилинган (С.А.Adam, D.L.Şalaru, С.Prisacariu, 2022; N.M.Popa-Fotea, С.E.Ferdoschi, 2023). Липопротеинлар таркибидаги тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталар миқдори ва нисбати уларнинг атероген хусусиятларига таъсир қилади. ЗПЛПнинг таркибида тўйинган ёғ кислоталарнинг кўпайиши уларнинг ярим яшаш даврини

узайтиради, оксидланиши, гликозирланиши ва қон томир интимасида тўпланишини чақиради, бу эса атеросклерознинг ривожланишига олиб келади (S.Berger, G.Raman, R.Vishwanathan, 2015). Қондаги Лп(а)нинг юқори миқдори ва қон томир стенози даражаси ўртасидаги бевосита мусбат боғлиқлик борлиги ўрганилган (A.Maloberti, S.Fabbri, V.Colombo, E.Gualini, 2022). M.R.Linton et al. (2019) фикрича шикастланган томирлар интимасида ЛП(а) фибрин ёки гликозаминогликанларга боғланиш қобилияти юқори, яллиғланишни келтириб чиқаради. Шунини таъкидлаш керакки, қондаги липопротеинлар ва уларнинг рецепторлари атерогенезнинг асосий омиллари ҳисобланади. Гиполипидемик таъсирга эга янги фармакологик воситаларнинг муҳим манбаи ўсимлик хом ашёси ҳисобланади. Уларнинг таркибида октакозанол спирт ҳосиласи поликозанол мавжуд. У энг кўп миқдорда буғдой майсасининг мойида учрайди. Унинг яллиғланишга қарши, гепатопротектив ва бошқа фармакологик таъсирлари исботланган (Н.С.Родионова, Т.В.Алексеева, 2014). Дислипидемия ва атеросклерозни даволашда энг кўп қўлланиладиган фармакологик воситалар гуруҳига статин ва фибратлар киради (J.Perk, G.E.Backer, H.I.Gohlke, 2012; S.J.Nicholls, 2016; N.J.Viney, 2016; И.В Сергиенко, 2021), аммо уларнинг самарадорлиги ножўя таъсирлар мавжудлиги сабабли зиддиятли бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда қон-томир касалликларнинг олдини олиш ва самарали даволаш усуллари тadbик қилиш бўйича - эрта ташхислаш диагностика усулларида бошлаб биокимёвий кўрсаткичларни ўрганиш ва беморларни умрини узайтириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Р.Д.Курбанов, 2017; Х.Я.Каримов, 2021; З.Р.Хайбулина, 2022; Н.М.Юлдашев, 2022), бироқ, атеросклерозда апопротеинларнинг рецепторлар билан таъсирланишининг молекуляр-хужайравий механизмларини баҳолаш такомиллаштирилмаган.

Замонавий хорижий ва маҳаллий адабиёт манбалари атеросклерозда фармакологик таъсир қилиш учун янги молекуляр-биологик нишонларни излаш ва гиполипидемик таъсирга эга янги биологик фаол бирикмаларни яратиш масаласи ҳали ҳам долзарблигини тасдиқламоқда. Тажрибавий атеросклерозда липопротеин кўрсаткичларига «Биомайс»ни статинлар билан биргаликда қўллаш тартиби яратилмаган. Тажрибавий атеросклерозда ЛП-ФЛА2 фаоллигига, фосфолипид ва ёғ кислоталар таркибига «Биомайс» биологик фаол қўшимчаси статинлар билан биргаликда қўлланилмаган. Тажрибавий атеросклероз ривожланган куёнларда липопротеин рецепторлари аппаратининг тикланиши, оксидант-антиоксидант тизимининг кўрсаткичларига БФҚ «Биомайс» статинлар билан биргаликда қўллашда биокимёвий ва морфологик кўрсаткичларни баҳолаш орқали муаммонинг ечимини топиш бугунги кунда ҳал қилиниш лозим бўлган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1800232 «Баъзи патологик ҳолатларнинг

ривожланишини молекуляр-хужайравий механизмлари ва уларни коррекциялаш» (2019-2022 йй.) ҳамда FM-2023041477 - «Қон айланиш касалликлари (Уйқу ва ёнбош артериялари атерокальцинози) клиник биокимёвий ва патологогенетик муаммолари, неврологик, когнитив, суяк бўғимлари асоратларини даволаш» (2023-2025 йй.) грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади атеросклероз ривожланишининг молекуляр-хужайравий механизмларини, апопротеинларнинг рецепторлари билан ўзаро таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

атеросклероз ривожланишида липопротеинларнинг ролини ўрганиш;

атеросклероз ривожланишида ЛП-ФЛА₂ нинг аҳамияти, фосфолипидлар таркиби ва ёғ кислоталар спектридаги ўзгаришларини исботлаш;

ЗПЛП рецепторлари ва оксидант-антиоксидант тизими бузилишининг аҳамиятини, уларнинг тажрибавий атеросклероз ривожланишида ўзаро боғлиқлигини исботлаш;

тажрибавий атеросклерозда липопротеин кўрсаткичларига «Биомайс»ни статинлар билан биргаликда қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

тажрибавий атеросклерозда ЛП-ФЛА₂ фаоллигига, фосфолипид ва ёғ кислоталар таркибига «Биомайс»ни статинлар билан биргаликда қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

тажрибавий атеросклероз ривожланган қуёнларда липопротеин рецепторлари аппаратининг тикланиш даражаси, оксидант-антиоксидант тизимининг кўрсаткичларига берилган комплексни қўллаш самарадорлигини баҳолаш ва морфологик асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тана оғирлиги 2400–3000 грамм бўлган 108 дона Шиншилла зотига тегишли оқ эркак қуёнлар, Ультрокс препарати ва биологик фаол қўшимча «Биомайс» олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида атеросклерозда апопротеинларнинг рецепторлар билан таъсирланишининг молекуляр-хужайравий механизмларини баҳолашда қон зардоби, плазмаси ва эритроцитлар, морфологик текширувлар учун қуёнлар аортасининг бўлаклари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажрибавий атеросклерозда апопротеинларнинг рецепторлар билан таъсирланишининг молекуляр-хужайравий механизмларини баҳолаш учун биокимёвий, иммунофермент, морфологик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

томирларнинг атеросклеротик шикастланиш даражасига мос равишда қуёнларнинг қон зардобида ЗПЛП рецепторига антитаначаларнинг атеросклероз ривожланишида камайиши, LOX-1га эса аксинча антитаначалар миқдорининг кўтарилиши исботланган, улар атеросклерозни башорат қилишга ишончли мезон бўлиши мумкин;

қуёнларда тажрибавий атеросклерознинг ривожланиш динамикасида қон зардобидаги липопротеин спектридаги бузилишлар Лп(а) миқдори билан ва Лп-ФЛА₂ фаоллашуви ўртасидаги боғлиқлик аниқланган, кўрсаткичларнинг

даражаси атеросклерознинг ривожланиши ва атеросклеротик плакчани беқарор ҳолатга ўтиши исботланган;

илк бор ЛП-ФЛА₂ фаоллашуви ва фосфолипидлар асосий фракцияларининг пасайиши ўртасида боғлиқлик аниқланган. Бу уларнинг лизоҳосилаларининг, тўйинган пальмитин ва стеарин ёғ кислоталар миқдорининг ошиши ва кўп тўйинмаган ёғ кислоталар миқдорининг камайиши фонида хайвонлар қон томирларида беқарор атеросклеротик плакчаларнинг мавжудлиги билан боғлиқлик аниқланган;

гиперлипидпероксидация ва ферментатив антиоксидант ҳимоя фаоллигининг пасайиши ўртасидаги боғлиқлик исботланган: СОД ва каталаза фаоллиги ЛП-ФЛА₂, LOX-1, ЛП (а), ЗПЛПлар билан кучли манфий, ЗЮЛП ва ЗПЛП рецептор миқдори билан мусбат боғлиқлик аниқланган;

тажрибавий атеросклероз ривожланган қуёнларнинг липидлар, липопротеинлар, фосфолипидлар ва ёғ кислоталар спектридаги бузилишларни коррекциялашда «Биомайс»нинг самарадорлиги ва таъсири бўйича «ультрокс» препаратидан кам эмаслиги исботланган;

илк бор ЗПЛП рецепторлари орқали қабул қилиш бузилишларини тиклашда, ЛП-ФЛА₂ фаоллигига, LOX-1, ЛП(а), фосфолипид ва ёғ кислоталар таркибига, прооксидант-антиоксидант тизимнинг ўзгаришларига, айниқса ультрокс билан комплекс фойдаланилганда «Биомайс»нинг (таркибида витамин Е, кўп тўйинмаган ёғ кислоталар мавжудлиги сабаб) таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

атеросклеротик плакчанинг барқарорлигини аниқлаш учун энг оддий, энг қулай ва хавфсиз янги маркерлари танланган: ЛП-ФЛА₂, ЗПЛП ва оксЗПЛП (LOX-1) рецепторларига антитаначалар;

атеросклерозда ЛП-ФЛА₂ ва тўйинган ёғ кислоталарни (пальмитин (C16:0) ва стеарин (C18:0)) қон зардобидида концентрациясини назорат қилиш муҳим, чунки уларнинг кўпайиши қон томирларда беқарор атеросклеротик плакчаларнинг пайдо бўлиши/борлиги нисбий хавфининг ошиши билан боғлиқлиги баҳоланган;

атеросклерозни даволаш учун антиатеросклеротик таъсири бўйича классик статинлардан кам бўлмаган, таркибида кўп тўйинмаган ёғ кислоталар, ёғда ва сувда эрийдиган витаминлар, антиоксидантлар ва поликоназол сақлайдиган янги биологик фаол қўшимча – гипохолестеринемик таъсир кўрсатувчи биомайс таклиф қилинган;

комплекс биокимёвий, иммунофермент ва морфологик тадқиқотлар асосида тажрибавий атеросклерозда ультрокс ва «Биомайс»ни биргаликда қўллашнинг юқори самарадорлиги асосланган. Маҳаллий табиий биологик фаол қўшимча - гиперхолестеролемиа ва атеросклерозни коррекциялашда энг оддий, қулай, хавфсиз ва самарали усул.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада тажрибавий хайвонлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини

тўлдирадиган биокимёвий, иммунофермент ва статистик тадқиқот усуллар асосида атеросклерозда апопротеинларнинг рецепторлар билан таъсирланишининг молекуляр-хужайравий механизмларини аниқлашнинг ўзига хослигини баҳолашни такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти зичлиги паст липопротеинлар ва унинг оксидланган шаклига рецепторларнинг, Лп-ФЛА₂ ва Лп(а)ларнинг беқарор плакча ҳосил бўлишидаги муҳим аҳамияти кўрсатилгани, оксидант-прооксидант тизим ўртасидаги номутаносиблик, атероген липопротеинларнинг рецепторлар томонидан тутилишининг бузилиши аниқлангани, тўйинган ёғ кислоталарининг тўпланиши, аортада атеросклеротик ўзгаришларнинг ривожланишига таъсири ўрганилган, оксидланиш жараёнларини камайтириш, липид алмашинувини меёрлаштириш ва ЗПЛПнинг оксидланишини камайтириши ҳисобига «Биомайс»ни антиатероген таъсирининг молекуляр механизмлари тўғрисида оригинал маълумотлар олингани, тадқиқот натижалари «Биомайс»ни ультрокс билан биргаликда клиник синовлар учун муқобил гиполипидемик даволаш усули сифатида тавсия қилиш имконини назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти атеросклерознинг янги маркерлари: ЛП-ФЛА₂, ЗПЛП ва оксидланган ЗПЛП (LOX-1) рецепторларига антитаначалар ёрдамида атеросклеротик плакча барқарорлигини баҳолашнинг энг оддий, энг қулай ва хавфсиз усули таклиф қилинган, қон томирларда беқарор атеросклеротик плакчаларнинг пайдо бўлиш (мавжудлигининг) нисбий ҳавфини назорат қилиш учун тестлар таклиф қилингани: ЛП-ФЛА₂га антитаначалар миқдори, шунингдек тўйинган, тўйинмаган ёғ кислоталарнинг таркиби ва уларнинг нисбати, ультрокс ва «Биомайс»ни биргаликда қўллаш даволаш натижаларини яхшилайтиди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Тошкент тиббиёт академияси Эксперт кенгашининг 2024 йилдаги 9 апрелдаги 04/096-сон хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Тошкент тиббиёт академиясининг 2024 йил 27 мартаги 09/15041-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: томирларнинг атеросклеротик шикастланиш даражасига мос равишда қуёнларнинг қон зардобидида ЗПЛП рецепторига антитаначаларнинг атеросклероз ривожланишида камайиши, LOX-1га эса аксинча антитаначалар миқдорининг кўтарилиши ва улар атеросклерозни прогноз қилишга ишончли прогностик мезон бўлиб хизмат қилиши исботлангани Тошкент педиатрия тиббиёт институти фундаментал тадқиқотлар лабораторияси бўйича 31.08.2023 йилдаги 333-сон, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 16.06.2023 йилдаги 60-сон, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўйича 09.11.2023 йилдаги 131-сон ҳамда

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали бўйича 07.11.2023 йилдаги 249/7-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* таклиф этилган натижалар касалликни профилактика қилиш, (клиник олди) ташхислаш, ва даволашга қаратилган усулларни яратиш учун назарий асос бўлиб хизмат қилади. Бу имконият асоратларини олдини олишга, юрак қон томир касалликларини ташхислаш тартибини яхшилашга эришиш имконини беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* таклиф этилаётган ташхислаш усули гиперхолестеринемия ривожланган беморларда асоратларни эрта аниқлаш, ташхислаш тадбирларини тўғри ўтказиш имконини бериб, бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 2098000 сўмга иқтисод қилишга эришилган (1 бемор учун коронарография ўтказиш ўртача 2098000 сўмни ташкил қилади). Хулоса: томирларнинг атеросклеротик шикастланиш даражасига мос равишда атеросклероз ривожланган қуёларнинг қон зардобиди зичлиги паст липопротеин (ЗПЛП) рецепторига антитаначалар миқдори камайди ЛОХ-1га эса аксинча антитаначалар миқдори кўтарилади. Атеросклерозни ўз вақтида прогностлаш, бу касаллик билан боғлиқ бўлган салбий асоратларининг учрашини камайтиради. Бу бир нафар бемор текширувида бюджет маблағларини 2098000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: тажрибавий атеросклерознинг ривожланиш динамикасида қон зардобидидаги липопротеин спектридаги бузилишлар Лп(а) миқдори билан ва Лп-ФЛА₂ фаоллашуви ўртасидидаги боғлиқлик аниқланган. Бу кўрсаткичларнинг даражаси атеросклерознинг ривожланиши ва атеросклеротик плакчани беқарор ҳолатга ўтиши билан боғлиқлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институти фундаментал тадқиқотлар лабораторияси бўйича 31.08.2023 йилдаги 333-сон, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 16.06.2023 йилдаги 60-сон, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўйича 09.11.2023 йилдаги 131-сон ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали бўйича 07.11.2023 йилдаги 249/7-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* тадқиқот натижаларини жорий қилиш беморларда даволаш самарадорлигини оширишга ва тробоэмболия ривожланиш хавфини эрта аниқлаш имконини беради. Олинган натижалар, атеросклероз сабаб юзага келувчи асоратлар – юрак инфаркти ва геморрагик инсультларни даволаш ва олдини олиш тартибини қўллаш орқали самарали даволаш тартибини татбиқ этиш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* атеросклероз ривожланиш динамикасида қон зардобидидаги Лп(а)га антитаначалар миқдори ортиши ва Лп-ФЛА₂ни фаоллашувини аниқлаш орқали атеросклерознинг прогрессияланиши ва атеросклеротик плакча беқарор ҳолатга ўтиши исботланганда бир нафар бемор учун бюджет маблағларини 2098000 сўмга иқтисод қилишга эришилган (1 бемор учун коронарография ўтказиш ўртача 2098000 сўмни ташкил қилади). Хулоса: атеросклероз ривожланиш динамикасида қон зардобидидаги Лп(а) миқдори ва ЛпФЛА₂ фаоллигини аниқлаш атеросклерозни прогрессияланиши ва атеросклеротик плакча беқарор ҳолатга

ўтишини башорат қилиш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 2098000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: илк бор Лп-ФЛА₂ фаоллашуви, уларнинг лизоҳосилаларининг тўпланиши фонида фосфолипидларнинг асосий фракцияларининг пасайиши, тўйинган пальмитин ва стеарин ёғ кислоталар микдорининг ошиши ва кўп тўйинмаган ёғ кислоталар микдори камайиши ўртасида ҳайвонлар қон томирларида беқарор атеросклеротик плакчаларнинг мавжудлиги билан боғлиқлик аниқлангани Тошкент педиатрия тиббиёт институти фундаментал тадқиқотлар лабораторияси бўйича 31.08.2023 йилдаги 333-сон, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 16.06.2023 йилдаги 60-сон, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўйича 09.11.2023 йилдаги 131-сон ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали бўйича 07.11.2023 йилдаги 249/7-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Ҳайвонлар қон томирларида беқарор атеросклеротик плакчаларнинг мавжудлигига мос равишда Лп-ФЛА₂ фаоллашуви, уларнинг лизоҳосилаларининг тўпланиши фонида фосфолипидларнинг асосий фракцияларининг пасайиши, тўйинган палмитин ва стеарин ёғ кислоталар микдорининг ошиши ва кўп тўйинмаган ёғ кислоталар микдори камайиши ўртасида боғлиқликни аниқлаш; уларнинг ультраструктуравий ва биокимёвий ўзгаришларни тушуниш; асоратларни эрта прогнозлаш ва даволаш чора тадбирларини тўғри олиб бориш. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Қон томирларида беқарор атеросклеротик плакчаларнинг мавжудлиги мос равишда Лп-ФЛА₂ фаоллашиши, уларнинг лизоҳосилаларининг тўпланиши фонида фосфолипидларнинг асосий фракцияларининг пасайиши; тўйинган палмитин ва стеарин ёғ кислоталар микдорининг ошиши ва кўп тўйинмаган ёғ кислоталар микдори камайиши ўртасида боғлиқликни аниқлаш орқали бюджет маблағларини 2098000 сўмга иқтисод қилишга эришилган (1 бемор учун коронарография ўтказиш ўртача 2098000 сўмни ташкил қилади). *Хулоса:* биз атеросклерозни эрта ташхислаш имконини берувчи бир неча муҳим инфорацион ва тўлиқ мезонларни аниқладик: ЛПФЛА₂ га фаоллашуви орқали беқарор атеросклеротик плакчаларни аниқлаш; фосфолипидларнинг лизоҳосилаларининг тўпланиши фонида асосий фракцияларининг пасайиши; тўйинган палмитин, стеарин ёғ кислоталар микдори ортиб кўп тўйинмаган ёғ кислоталарининг камайиши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 2098000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: гиперлипипероксидация ва ферментатив антиоксидант ҳимоя фаоллигини пасайиши ўртасидаги боғлиқлик аниқлангани Тошкент педиатрия тиббиёт институти фундаментал тадқиқотлар лабораторияси (31.08.2023 й.; буйруқ №333), Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази (16.06.2023 й.; буйруқ №60), Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси (09.11.2023 й.; буйруқ №131) ҳамда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали (07.11.2023 й.; буйруқ №249/7) амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* атеросклерозда гиперлипипероксидация ва ферментатив

антиоксидант химоя фаоллигини пасайиши ўртасидаги боғлиқлик исботланди. Перикисли оксидланиш жараёнларига таъсир кўрсатувчи ва антиоксидант тизимни фаоллаштирувчи моддаларни бериш ЗПЛП рецептор миқдорини оширишга сабаб бўлади, бу эса касалликни прогнозини яхшилади ва даволаш чора тадбирларини самарадорлигини оширади. Салбий асоратларни олдини олишга ёрдам беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* атеросклерозда гиперлипипероксидация ва ферментатив антиоксидант химоя фаоллигини пасайиши ўртасидаги боғлиқлик аниқланиши, СОД ва каталаза фаоллиги Лп-ФЛА2, ЛОХ-1, Лп (а), ЗПЛП даражалари билан кучли манфий боғлиқликка эга, ЗЮЛП ва ЗПЛП рецептор миқдори билан мусбат боғлиқлик борлигини татбиқ этиш орқали беморни шифохонада бўлиш бўлиш вақтини 1 кунга қисқартириб, 1 нафар бемор хисобига 447000 сўм иқтисод қилишга эришилган (Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 89000 сўмни ташкил қилади; 1 кунга ўртача 358000 сўм дори воситалари сарфланади). *Хулоса:* атеросклерозда гиперлипипероксидация ва ферментатив антиоксидант химоя фаоллигини пасайиши ўртасидаги боғлиқлик аниқлаш, СОД ва каталаза фаоллиги Лп-ФЛА2, ЛОХ-1, Лп (а), ЗПЛП даражалари билан кучли манфий боғлиқликка эга, ЗЮЛП ва ЗПЛП рецептор миқдори билан мусбат боғлиқлик борлиги ҳисобига табиий антиоксидант таъсирга эга дори воситаларни қўллаш статин таъсирида келиб чиқадиган ножўя тасирларни олдини олиб 1 нафар бемор хисобига бюджет маблағларини 447000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган;

бешинчи илмий янгилик: тажрибавий атеросклероз ривожланган кўёнларнинг липидлар, липопротеинлар, фосфолипидлар ва ёғ кислоталар спектридаги бузилишларни коррекциялашда «Биомайс»нинг самарадорлиги ва у таъсири бўйича ультрокс препаратидан кам эмаслиги исботлангангани Тошкент педиатрия тиббиёт институти фундаментал тадқиқотлар лабораторияси бўйича 31.08.2023 йилдаги 333-сон, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 16.06.2023 йилдаги 60-сон, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўйича 09.11.2023 йилдаги 131-сон ҳамда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали бўйича 07.11.2023 йилдаги 249/7-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* гиперхолестеринемияни узок мудат даволашда резистентлик кузатилса, липопротеинлар спектра ўзгаришлар бўлмаган ҳолатларда қон зардобиди тўйинган ёғ кислоталар миқдорини аниқлаш, беморларда мақсадсиз давомли статин препаратларни қўллашни олдини олиб, уларга индивидуал даво танлашга ва бу орқали юзага келиши мумкин бўлган ўткир асоратлар ва эрта ўлим хавфини олдини олади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* берилган тавсиямизга амал қилиниши беморга статинлар хисобига келиб чиқадиган салбий оқибатларни олдини олиб беморга қўшимча антиоксидант қўшимчаларни қўллаш натижасида даволаниш ҳаражатини камайтириб, беморни шифохонада бўлиш вақтини 1 кунга қисқартириб, 1 нафар бемор хисобига 447000 сўм иқтисод қилишга эришилган (Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг

прейскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 89000 сўмни ташкил қилади; 1 кунга ўртача 358000 сўм дори воситалари сарфланади). *Хулоса:* гиперхолестеринемияда фақат статин қўлланилиши резистентлик ҳолатини баҳоламаслик, беморда даволаш сифатини тушириб ва ЗПЛП ортиб боришига олиб келиши мумкун. Индивидуал гиполипидемик ва антиоксидант препаратларни танлаш, беморларда самарали даво чораларини қўллаб 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 447000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

олтинчи илмий янгилик: илк бор Лп-ФЛА2, LOX-1, Лп(а), фосфолипид ва ёғ кислоталар таркибига, прооксидант-антиоксидант тизимга, ЗПЛП рецепторларини қабул қилиш бузилишларини тиклашда, айниқса ультрокс билан комплекс фойдаланилганда «Биомайс»нинг (таркибида витамин Е, кўп тўйинмаган ёғ кислоталар сақлайди) аҳамияти исботлангани Тошкент педиатрия тиббиёт институти фундаментал тадқиқотлар лабораторияси бўйича 31.08.2023 йилдаги 333-сон, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 16.06.2023 йилдаги 60-сон, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўйича 09.11.2023 йилдаги 131-сон ҳамда Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали бўйича 07.11.2023 йилдаги 249/7-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* Таклиф қилинган атеросклерозни даволаш усули (ультрокс + биомайс) даволаш натижаларини яхшилади ва статин дори воситасини жигарга бўлган салбий таъсирини, ногиронлик хавфини олдини олади ва шифокорга қайта мурожатларни камайтиришга олиб келади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* атеросклероз касаллигини эрта аниқлаш ва самарали даво чораларини қўллаш статинларни дозасини ва салбий таъсирини камайтириб иқтисодий самарадорлик 447000 сўмни ташкил қилди. Препаратларни комплекда қўллаш (биомайс+ультрокс) салбий асоратларни бартараф этади, шунингдек касалхонада даволаниш давомийлигини қисқартиради, бу ҳар бир беморда бюджет маблағларини 400 минг сўмдан зиёд тежаш имконини берди (Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг прейскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 89000 сўмни ташкил қилади; 1 кунга ўртача 358000 сўм дори воситалари сарфланади). *Хулоса:* олинган натижаларга кўра амалиётда атеросклероз мавжуд беморларда гипохолестеринемик антиоксидант «Биомайс»ни қўллаш беморларда оптимал комплекс терапия танлаш орқали ва қайта госпитализацияларни олдини олиш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 447000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва заруриятининг асосланиши тақдим этилган, мақсад ва вазифалар, объектлар ва тадқиқот предмети шакллантирилган, тадқиқотни Ўзбекистон республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кетма кет баён этилган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича материаллар, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг структураси ёритилган.

Диссертациянинг «**Атеросклероз ривожланишининг молекуляр механизмлари ҳақида замонавий тушунчалар**» деб номланган биринчи бобида мазкур тиббий муаммонинг назарий моҳияти бўйича мавжуд бўлган адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган ва атеросклероз ривожланишида мазкур муаммо аспектларини аниқлаштиришни талаб этувчи, зичлиги паст липопротеин рецепторлари ролига бағишланган тадқиқотлар ва уни даволаш тамойиллари тизимлаштирилган.

Диссертациянинг «**Атеросклероз ривожланишининг молекуляр механизмларини ўрганиш материаллари ва усуллари, унинг коррекция қилиш йўллари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба материалларининг умумий тавсифи, тадқиқотни ўтказиш усуллари ва қўлланилган материаллар батафсил баён этилган.

Тажрибалар оғирлиги 2400-3000 г бўлган 108 та эркак Шиншилла зотли қуёнларда ўтказилди. Тажрибавий гиперхолестеринемия 100 та қуёнда 2 ой давомида ҳар куни (1 кг тана вазнига 0,2 г микдорида) холестеринни ошқозон ичига юбориш орқали чақирилди (Н.Н.Аничников, 1961). Ҳайвонларда ўлим кўрсаткичи 5% бўлди. Ҳайвонлар қулоғи чекка венасидан ҳар 20 кунда қон олинди (гиперхолестеринемия (ГХС) ривожланганлигини аниқлаш учун) биокимёвий кўрсаткичлар текширилди. 60-чи куни тажрибавий ҳайвонлар 4-та гуруҳга бўлинди: 1-чи (назорат) - эспериментал атеросклерозли 24 та қуён, 0,5 мл дистилланган сув олган, 2-чи (таққослаш гуруҳи) - 23 та қуён гиполипидемик ультрокс (розувастатин) препаратини (0,6 мг/кг дозада кунига 1 марта уйқудан олдин) қабул қилган, 3-чи («Биомайс» билан монотерапия) кунига 2 марта 71 мг/кг дозада қабул қилган 23 та қуён, 4-чи (комбинацияланган терапия) - 25 та қуёнга ультрокс ва «Биомайс»ни кўрсатилган дозаларда берилган. Интакт гуруҳ 8 та қуёндан иборат эди. Дорилар ҳар куни эрталаб ва кечқурун қуённинг вазнига мос келадиган ҳажмда атравматик зонд ёрдамида интрагастрал юборилган. Шу билан бирга,

холестеринни қабул қилиш давом эттирилди. Эрталаб ҳайвонларнинг қулок венасидан қон олинди. Қон зардоби, плазмаси ва эритроцитлар ўрганилди. Тадқиқотларни ўтказиш учун ЎЗР соғлиқни сақлаш вазирлиги этика қўмитасидан ижобий ҳулоса олинган (баён №5 21.12.2023й.)

Статин сифатида ультрокс (Nobel Farm) (розувастатин) ишлатилган. Препаратнинг дозаси Европа кардиология ассоциациясининг тавсияларига мувофиқ танланган (ESC Prevention of CVD Programme, 2022). «Биомайс» буғдойнинг майсаларидан тайёрланган кукун бўлиб, ORION-SKORPION МЧЖ томонидан тақдим этилди. Препаратнинг дозаси СанҚваН №036619 тавсияларига мувофиқ танланган.

Тадқиқот усуллари.

Тажрибавий атеросклероз ривожланиш динамикасида (ҳар 20 кунда) ва коррекция қилиш даврида (ҳар 10 кунда) иммунофермент усули ёрдамида қон зардобидида липид алмашинуви кўрсаткичлари RayBio® Elisa Kit (ЗПЛПр, ЛП-ФЛА2, LOX-1) тўпламлари ва ЛП(a) (AssayPro) тўплами Angilent technology аппаратида (АҚШ) Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги биофизика ва биокимё институтида аниқланди.

Қон зардобининг ёғ кислоталари таркибини Республика спорт тиббиёти илмий амалий маркази лабораториясида уч томонлама тўрт қутбли Thermo Fisher Scientific (АҚШ) компаниясининг роботлаштирилган автоматик намуна олувчи CTC TriPlus RSH (ГХ-МС/МС) TRACE 1310 TSQ 8000 хромато-масс-спектрометр ёрдамида аниқланди.

Умумий ва индивидуал фосфолипид фракциялари Фиске ва Суббароу усули ёрдамида липид билан боғланган ноорганик фосфор миқдори орқали аниқланди. Алоҳида фракциялар миқдорини фоизларда фосфолипидларнинг умумий миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланди. Фолч усули ёрдамида эритроцитлар мембраналаридан липидлар хлороформ:метанол (2:1) аралашмаси ёрдамида ажратилди.

Липидларнинг пероксидли оксидланиш (ЛПО) интенсивлиги ҳақида унинг ҳосилалари - малон диальдегиди (МДА) ва диен конъюгатларининг (ДК) қон зардобидидаги миқдори бўйича фикр юритилди. МДАнинг миқдори Л.И. Андреева ва ҳаммуал. (1989), ДК эса Б.С. Хишиктуев ва ҳаммуал. (1996) усули бўйича аниқланди. Антиоксидант тизимнинг фаоллиги ҳақида – супероксиддисмутаза (СОД) ва каталазининг (КАТ) фаоллигига қараб фикр юритилди. СОДнинг фаоллиги Р.Н. Mirsa ва I. Fridovich (1972) услуби бўйича аниқланди. КАТ эса – М.А. Королюк ва ҳаммуал. (1988) услуби бўйича аниқланди. Умумий оқсил миқдори қон зардобидида Lowry (1951) услуби бўйича аниқланди. Оптик ўлчовлар Cary 60 Agilent Technology (АҚШ) спектрофотометрида ўтказилди.

Морфологик текширувлар.

Дори воситаларининг таъсирини солиштириш учун томирларнинг морфологик тадқиқотлари Республика патологик анатомия марказида проф. Р.И. Исроилов томонидан ўтказилди. Ҳайвонлар сўйилганда аорта ажратилиб, микротомда қалинлиги 5-8 мкм бўлган гистологик кесмалар тайёрланди. Кесмаларни гематоксилин ва эозин, бириктирувчи тўқималарни Ван Гинзон

усулида пикрофуксин билан, кислотали гликозаминогликанларни альциан кўк бўёқдан фойдаланилиб бўялди. Тадқиқот Hamamatsu QuPath-0.4.0, NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/HAMAMATSU PHOTONICS /431-3196 JAPAN) аппаратида ўтказилди.

Статистик материаллар. Рақамли материал шахсий компьютерда статистик қайта ишланди. Ўртача арифметик (M), стандарт оғиш (σ), нисбий кийматлар (учраши, фоизлар), Стюдент тести (t) ёрдамида хатолик эҳтимоли (p) ҳисоблаб чиқилди.

Материаллар Jam1 2.2.5.0 дастури бўйича қайта ишланди. Ўрганилган кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни баҳоловчи тавсифи, корреляция коэффиценти Спирманнинг даражали корреляция усули бўйича ҳисобланди, боғланиш кучи Чедок шкаласи бўйича баҳоланди.

Диссертациянинг «**Тажрибавий атеросклерозда липидлар алмашинуви бузилишининг баъзи молекуляр механизмлари**» деб номланган учинчи бобида тажрибавий атеросклероз ривожланишини тасдиқлаш мақсадида ҳайвонларнинг қон зардобидида ҳар 20 кунда (2 ой мобайнида) триглицеридлар (ТГ), умумий холестерин (УХ), ЗПЛПхс (зичлиги паст липопротеинлардаги холестерин) миқдорлари текширилди. Ҳайвонларнинг қон зардобидидаги ТГ миқдори тадқиқотнинг 20, 40, 60, 70, 80 ва 90-кунларида аста-секин ўсиб боришини кузатдик. ТГ миқдори меъёрдан (интакт қуёнлар) 1,8-6 бараварга ошди. Худди шу динамика ҳайвонларнинг қон зардобидидаги умумий холестерин миқдорида ҳам аниқланди. Шундай қилиб, агар бу кўрсаткич тажрибанинг 20-кунида интакт қуёнлар кўрсаткичига нисбатан 2,45 ($p < 0,001$) мартага ошган бўлса, тажрибанинг 40, 60, 70, 80 ва 90-кунларида УХ миқдори сезиларли даражада 3,2; 4,1; 4,2; 4,3 ва 4,4 мартага мос равишда ошди. Яъни, натижалар тажрибавий ҳайвонларда атеросклероз ривожланганини кўрсатди.

Қуёнларга холестерин юбориш динамикасида ЗПЛПдаги холестерин миқдори ҳам интакт қуёнларга нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада 3,6; 5; 6,6; 6,7; 6,9; 7,1 ($p < 0,001$) мартага экспериментнинг 20, 40, 60, 70, 80 ва 90-кунларида мос равишда ошди, бу атеросклерознинг ривожланишини тасдиқлайди. Шу билан бирга, ЗЮЛПдаги холестерин миқдори аста-секин 1,94 ($p < 0,001$); 1,97; 2,3; 2,4; 3,1 ва 3,4 мартага тажрибанинг 20, 40, 60, 70, 80 ва 90-кунларига мос равишда камайди. Липид таркибидаги бундай ўзгаришлар тадқиқот кунларига мос равишда атерогенлик коэффицентини 5,4; 7,4; 11,4; 12; 16,5 ва 19 мартага прогрессив ўсишига олиб келди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, биз танлаган атеросклероз модели янги фармакологик липидларни камайтирадиган воситаларнинг самарадорлигини баҳолаш учун қўлланилиши мумкин.

Адабиётларга кўра, Лп (а) концентрациясининг ортиши юрак ишемик касаллиги учун мустақил хавф омилidir. Шунинг учун, тажриба ҳайвонларининг қон зардобидидаги Лп(а) миқдорини ҳам аниқладик.


Тажрибавий атеросклероз ривожланишининг 20-кунида қон зардобидидаги ЛП(а) миқдори сезиларли даражада 12% га ошган ($p < 0,05$) ва экспериментнинг охирига келиб бу кўрсаткич нормадан 96%га ошди.

Лп(а) фракциясининг ортиши апоВ-100 рецепторлари эндоцитозининг бузилишини ва хужайралар томонидан ЗЖПЛП ва ЗПЛП ларнинг ушлаб қолинишининг камайишини кўрсатади.

Лп-ФЛА₂ ферменти ЗПЛП ва шу жумладан оксидланган ЗПЛП метаболизмида муҳим роль ўйнайди. Бу фермент фосфолипаза А₂ супероиласининг кичик гуруҳи ҳисобланади. Лп-ФЛА₂ нинг атерогенездаги асосий роли артерияларнинг ўрта деворида оксидланган ЗПЛПни гидролизлаш ҳисобланади. Натижада яллиғланишни фаоллаштирувчи атероген маҳсулотлар - лизофосфатидилхолин ва оксидланган ёғ кислоталар ҳосил бўлади. Лп-ФЛА₂ атеросклеротик плакчаларда ва макрофагларда кескин равишда ёрилишга мойил плакчаларнинг фиброз қопқоғида фаоллашади ва плакчанинг беқарорлигига олиб келади.

Биз тажрибавий ҳайвонларнинг қон зардобида Лп-ФЛА₂га антитаначалар миқдорини аниқладик ва уларнинг миқдори интакт қуёнлар қон зардобида Лп-ФЛА₂ 40,4±1,59 пг/мл ни ташкил этди, бу адабиётда берилган нормал қийматларга мос келади. Тажрибавий атеросклероз ривожланишининг 60 ва 70-кунларида Лп-ФЛА₂га антитаначалар миқдори интакт гуруҳга нисбатан мос равишда 30,4 ва 49% га (p<0,05) ошди. Кейинги даврларда тажрибанинг 80 ва 90 кунларида антитаначалар миқдори ўсиб борди ва интакт қуёнларнинг қийматларидан 69,8 ва 92% (p<0,001) га ошиб, мос равишда 68,6±2,1 ва 77,9±1,65 пг/мл ни ташкил этди.

Биз атеросклерозли қуёнларнинг қон зардобида LOX-1 га антитаначалар миқдорини тажриба кунларига мос равишда прогрессив ўсишини аниқладик - 23,9; 40,8; 42,7 ва 55,8% (p<0,01) (1-расм).



1-расм. Атеросклероз ривожланиш динамикасида қуёнларнинг қон зардобида LOX-1 ва LDLR (пг/мл) га антитаначалар миқдори

Жигар ЗПЛПларни қондан хужайра ташқарисидаги оқсил ЗПЛП рецептори (LDLR) ёрдамида тутиб олади. У ЗПЛПни боғлаб эндоцитоз ёрдамида уларни хужайра ичига киришини таъминлайди.

Атеросклероз ривожланиш динамикасида тажрибавий ҳайвонларнинг қон зардобида ЗПЛП рецепторларига антитаначалар миқдорини аниқладик. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тажрибавий атеросклероз динамикасида

ЗПЛПр миқдори аста-секин нормадан 14,9; 31,7; 41,3 ва 51,5% ($p < 0,01$) га 60, 70, 80 ва 90-кунларда мос равишда камайди.

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, атеросклерознинг прогрессияланишига мос равишда ЗПЛПр миқдори камайди. Шунинг учун қон зардобадаги LOX-1 ва ЗПЛПр га антитаначалар миқдори томирларнинг атеросклеротик шикастланиш даражасини акс эттиради ва атеросклерозни прогноз қилишда ишончли диагностик тестлар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тажрибавий атеросклерознинг ривожланиш динамикасида эритроцитлар мембранасидаги фосфолипид фракцияларини текширишнинг барча даврларида фосфатидилхолиннинг (ФХ) нормадан (интакт қуёнлар) камайганлигини кўрсатди. Тажрибавий ҳайвонларнинг ФХ миқдоридаги бундай ўзгаришлар тадқиқотнинг барча даврларида лизофосфатидилхолин (ЛФХ) миқдорининг кескин ошишига олиб келди. Шундай қилиб, ЛФХ миқдори интакт қуёнлар кўрсаткичлари билан солиштирганда сезиларли 3,5; 3,6; 3,9 ва 4,8 ($P < 0,001$) мартага тадқиқотнинг 60-, 70-, 80- ва 90-кунларида мос равишда ошди.

Биомембраналарнинг ташқи юзасида жойлашган асосий фосфолипид ФХ миқдорининг пасайиши мембрананинг беқарорлигига, ионларга ўтказувчанликни ошишига, функционал қобилятнинг бузилишига ва эритроцитларнинг гемолизига олиб келиши мумкин.

ЛФХнинг кўпайиши ҳам мембрана липидларига танлаб таъсир қилувчи фосфолипазаларнинг фаоллашганлиги тўғрисида билвосита маълумот беради. Бинобарин, эритроцитлар мембраналарида ЛФХ кўпайиши микроциркуляцияни периваскуляр бўғинининг бузилишидир.

Тажрибанинг 60-куни фосфатидилэтанолламин (ФЭ) миқдори интакт гуруҳга нисбатан сезиларли даражада ўзгармади. Тажрибанинг 70-, 80- ва 90-чи кунлари ФЭ миқдори сезиларли даражада 21,1; 24,9 ва 30,5% га нормадан камайди. Лизофосфатидилэтанолламин (ЛФЭ) миқдори интакт гуруҳ ҳайвонлари кўрсаткичлари билан солиштирилганда тажрибанинг шу даврларида мос равишда 19,4; 20,7 ва 38,6% ($P < 0,05$) га ошди. Тажрибанинг 60-, 70- кунларида фосфатидилсерин (ФС) миқдорида сезиларли ўзгаришлар аниқланмади. Тажрибанинг охирида ФС миқдори 25,4 ва 21,4% ($P < 0,05$) га нормадан камайди. Фосфатидилинозитол (ФИ) миқдори тадқиқотнинг барча даврларида, айниқса тадқиқотнинг 80- ва 90-кунларида (16,4 ва 21,3%) га ($P < 0,05$) сезиларли даражада камайди.

Шундай қилиб, тажрибавий атеросклерозда эритроцитлар мембранасидаги фосфолипид фракцияларининг нисбати бузилади. Биомембраналарнинг липид таркибидаги бу ўзгаришлар, шубҳасиз, уларнинг функционал ҳолатининг бузилишига олиб келади, бу эса ўз навбатида терапевтик коррекцияни талаб қилади.

Тажрибавий атеросклероз ривожланган қуёнлар қон зардобадаги ёғ кислоталар таркибини ўрганиш натижалари тажрибанинг 60-куни умумий ёғ кислоталар миқдорини интакт ҳайвонларнинг кўрсаткичларига нисбатан 13,7% га ошганлигини кўрсатди. Тўйинган ёғ кислоталар миқдори 63,8% га

ошди ($P < 0,01$), тўйинмаган ва кўп тўйинмаган ёғ кислоталар 1,6 ва 1,7 ($P < 0,01$) мартага камайди.

Атеросклероз ривожланган ҳайвонларда тажрибанинг 60-кунида тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталарнинг нисбати интакт ҳайвонлар кўрсаткичидан 2,62 мартага ошди.

Атеросклероз ривожланган ҳайвонларда тўйинган ёғ кислоталар ортиши лаурин, пальмитин, маргарин, миристин ва стеарин кислоталари туфайли юзага келди. Ушбу ёғ кислоталар миқдори 1,5; 1,56; 1,58; 1,78 ва 1,83 ($P < 0,01$) мартага нормадан текширув кунларига мос равишда ошди. Натижалар тўйинган ёғ кислоталари атеросклероз ривожланишида муҳим аҳамиятини кўрсатди.

Адабиётларга кўра, пальмитин кислота етакчи аҳамиятга эга. Унинг миқдорининг ошиши атеросклероз ривожланишини башорат қилишда ёрдам бериши мумкин.

Биз ЛПО ва АОТларни тажрибавий атеросклероз ривожланиш динамикасида липид кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқликда ўргандик. Холестеринни қабул қилишнинг 20-кунида қон зардобидаги МДА ва диенларнинг миқдори интакт қуёнларнинг кўрсаткичларидан 27,7 ва 41,2% ($P < 0,05$) га мос равишда юқори бўлгани аниқланди. Кейинчалик, биз ЛПО нинг прогрессив фаоллашувини кузатдик. Тажрибавий ҳайвонларнинг қон зардобида МДА миқдори статистик жиҳатдан сезиларли даражада 37,2; 42,8; 86 ва 114% ($P < 0,001$) га ошди, диенлар миқдори 2,04; 2,65; 3,3 ва 4,5 мартага 40-, 60-, 80- ва 90- кунларига мос равишда ошди.


Шундай қилиб, тажрибавий атеросклероз ривожланишида ЛПО нинг фаоллашуви касаллик даврига боғлиқ, ЛПО нинг энг юқори кўрсаткичлари тажрибанинг охириги кунларида аниқланди.

Тажрибавий атеросклерознинг 20-, 40- ва 60-кунларида СОД фаоллиги нормал кўрсаткичлар билан солиштирилганда 19,6, 34,6 ва 47,4% ($P < 0,05$) га мос равишда камайди. СОД фаоллигининг сезиларли камайиши тажрибавий атеросклероз ривожланишининг 80- ва 90-кунларига тўғри келди ва у 2,3 ва 2,8 ($P < 0,001$) мартага интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан мос равишда камайди.


Тажрибавий атеросклерознинг 20-, 40- ва 60-кунларида интакт гуруҳ кўрсаткичлари билан солиштирилганда каталаза фаоллиги мос равишда 11,4, 20,9 ва 34,3% ($P < 0,05$) га камайди. Тажрибавий атеросклероз ривожланишининг 80- ва 90-кунларида каталаза фаоллиги интакт қуёнларнинг қийматларига нисбатан мос равишда 1,8 ва 2,2 ($P < 0,001$) мартага паст бўлди.

Тажрибавий атеросклерознинг ривожланиш динамикасида томир деворидаги морфологик ўзгаришлар натижалари.

Тажрибавий атеросклерозда аорта кўкрак ва қорин соҳасида макроскопик жиҳатдан атеросклеротик плакчалар ва оч ғадир-будир юзали кальцификатлар шаклланганлиги аниқланди. Микроскопик текширишларда эндотелиал ва субэндотелиал қаватда кўпиксимон кўринишдаги макрофаглар ва интерстициал шиш ўчоқлари аниқланди (2 расм).



2-расм (назорат гуруҳ). Аорта томири. 60-сутка. Интима юзаси субэндотелиал сохаларида кўпиксимон хужайралар ва атераматоз ўчоқлар аниқланади (1), ўрта қаватида кескин ўзгаришлар аниқланмайди. Бўёқ Алциан кўки. Ўлчами 20x10.



3-расм (назорат гуруҳ). Аорта томири. 90-сутка. Интима юзаси ғадири-будир, атеросклеротик плакча қирғоқларида калциноз ўчоқлари (1), интима юзасида ҳам ўчоқли калциноз аниқланади (2), ўрта қаватида дағал толали тузилмаларнинг зинасимон шаклда кўриниши (3), оралик шишлар шаклланган (4). Бўёқ Алциан кўки. Ўлчами 20x10.


Ҳайвонларда 3 ой давомида атеросклероз чақирилганда аорта девори эндотелийси ва интима қаватида дезорганизация ва строма-томир оқсилли дистрофиянинг ривожланганлиги кузатилди. Морфологик жиҳатдан эндотелий базал мембранаси ва интима тўқимасининг шишига, мукоид бўкишга, айрим жойларида фибриноид бўкиш каби предлипоидозли ўзгаришлар ривожланганлиги аниқланди. Аорта интимасида холестерин шимилишидан липоидоз ўчоқлари пайдо бўлганлиги, унинг таркибида оралик моддада липидлар, бириктирувчи тўқима хужайралари, жумладан макрофаглар цитоплазмасида липидлар тўпланишидан кўпиксимон хужайраларнинг пайдо бўлиши кузатилди (3 расм). Ушбу дистрофик ва дегенератив ўзгаришларга жавобан гистиоцитар ва лимфоид хужайралар кўпайиб, инфилтратни пайдо қилганлиги тасдиқланди.

Диссертациянинг «Тажрибавий атеросклерозда липид алмашинуви кўрсаткичларига озик модда кўшимчаси «Биомайс»нинг баъзи молекуляр таъсир механизмлари» деб номланган тўртинчи бобида «Биомайс»дан фойдаланишда липидлар алмашинуви, прооксидант ва антиоксидант тизимлар ҳамда қон томирларининг морфологик кўрсаткичларидаги ўзгаришлар ўрганилди.

Назорат гуруҳида таъкидланганидек тажрибанинг 90-кунида Лп(а) миқдори 2,6 мартага ошди, яъни интакт гуруҳ кўрсаткичидан, бундай ўзгаришлар Лп(а) таркибидаги апоВ-100 рецепторлари эндоцитозининг бузилишини, ЗЖПЛП ва ЗПЛП нинг хужайралар томонидан ўзлаштирилиши пасайишини, гипертриглицеридемия ва гиперхолестеролемиyani шакллантиришини кўрсатади. Ультрокс билан коррекция қилиш тажрибавий атеросклероз чақирилган қуёнларда Лп(а) нинг юқори миқдорини бироз 1,14 мартага пасайтирди, лекин бу кўрсаткич интакт қуёнларнинг қийматларидан 2,25 баравар юқори эди. «Биомайс»ни 30 кун давомида қўллаш, ЛП (а) нинг

юқори миқдорини 1,2 мартага ($P<0,05$) ва уни биргаликда қўллаш - 1,3 ($P<0,05$) мартага, назорат гуруҳ қийматларига нисбатан, камайтирди, комбинацияланган даволанишнинг самарадорлиги статин билан монотерапияга қараганда бир оз юқорироқ эди. Бироқ, бу ҳолда улар интакт қуёнларнинг қийматларидан 2,06 ва 1,97 ($P<0,001$) мартага юқори бўлиб қолди.

Атеросклероз ривожланган хайвонларнинг қон зардобида Лп-ФЛА₂ га антитаначалар миқдорининг текширув натижалари (4-расм), назорат гуруҳида интакт қуёнлар кўрсаткичларига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада 1,93 мартага ($P<0,001$) кўпайди, турли фармакотерапияда. Ультрокс кўрсаткичга сезиларли таъсир кўрсатмади ва антитаначалар миқдори, меъёрий қийматлардан 1,84 мартага юқори бўлди ($P<0,001$).



4-расм. Атеросклероз ривожланган қуёнларнинг қон зардобида Лп-ФЛА₂ га антитаначалар даражасига ҳар ҳил турдаги фармакотерапия таъсири (n=12)

Тажрибавий атеросклерозни «Биомайс» билан коррекция қилгандан сўнг Лп-ФЛА₂ га антитаначалар 1,2 мартага ($P<0,05$) назорат гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан камайди. Атеросклероз ривожланган қуёнларда 30 кун давомида ультрокс ва «Биомайс»нинг биргаликда қўлланилиши яхшироқ таъсир кўрсатди. Қуёнларнинг қон зардобида Лп-ФЛА₂га антитаначаларнинг юқори миқдори назорат гуруҳига нисбатан 1,6 мартага камайди ($P<0,01$).

Атеросклероз ривожланган қуёнларда LOX-1 антитаначалар миқдори прогрессив ўсди, айниқса холестерин берилишининг 60-, 90- кунларида. Ультрокс монотерапияси (30 кун) LOX-1га антитаначалар миқдорини назорат гуруҳидаги қийматларга нисбатан 1,3 ($P<0,05$) мартага пасайишига ёрдам берди. (1-жадвал). Тажрибавий атеросклерозни «Биомайс» монотерапияси (30 кун) LOX-1 антитаначалар миқдорини назорат гуруҳидаги қийматларга нисбатан 1,4 ($P<0,05$) мартага пасайишига ёрдам берди. Ушбу патологияга комбинацияланган терапия янада яхшироқ таъсир

кўрсатди, ва қуёнларнинг қон зардобида LOX-1 га антитаначалар таркиби назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,6 ($P<0,01$) мартага камайди.

1-жадвал

Тажрибавий атеросклероз ривожланган қуёнлар қон зардобидаги LOX-1 ва ЗПЛПр антитаначалар миқдориға фармакотерапиянинг таъсири

Гуруҳ	LOX-1, пг/мл	рЛПНП, пг/мл
Интакт	52,7±3,29	75,4±2,3
ГХС+Н ₂ О	82,1±3,4 ^а	36,6±0,64 ^а
ГХС+ультрокс	62,8±1,71 ^а	45,2±1,45 ^а
ГХС+биомайс	60,2±1,71 ^б	46,5±1,09 ^а
ГХС+ультрокс+биомайс	50,3±2,15 ^б	59,3±1,2 ^{а,б}

Изоҳ: ($P<0,05$): а- интакт гуруҳдан; б- назорат гуруҳдан

Тажрибанинг 90-қунида назорат гуруҳи қуёнларнинг қон зардобидаги ЗПЛПр антитаначалар миқдори интакт гуруҳининг қийматларига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада 2 мартага камайди. Ультрокс монотерапияси ЗПЛПр антитаначалар миқдорининг назорат гуруҳидаги қийматларга нисбатан 1,2 ($P<0,05$) мартага ошишига ёрдам берди (1-жадвал). Тажрибавий атеросклерозни «Биомайс» билан 30 кун давомидаги монотерапияси ЗПЛПр антитаначалар миқдорини назорат гуруҳидаги қийматларга нисбатан 1,27 ($P<0,01$) мартага ошишига ёрдам берди, бироқ шунга қарамай, интакт гуруҳи қийматларига нисбатан 1,62 ($P<0,05$) мартага камлигини кузатдик. Ушбу патологияни ультрокс ва «Биомайс» билан комбинацияланган даволаш яхшироқ таъсир кўрсатди ва қуёнлар қон зардобида ЗПЛПр га антитаначалар миқдорининг назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,62 ($P<0,01$) мартага ошиши билан тасдиқланди. Бу кўрсаткич ультрокс ва «Биомайс» билан монотерапия олган қуёнлар гуруҳининг қийматларидан 1,31 ($P<0,05$) ва 1,27 ($P<0,05$) мартага мос равишда юқори, лекин интакт қуёнлар кўрсаткичидан 1,27 ($P<0,05$) мартага паст бўлди.

Тажрибавий атеросклероз ФХ ва ФЭА нисбий таркибининг пасайиши, уларнинг лизо ҳосилалари ва сфингомиелиннинг кўпайиши билан намоён бўлди, бу тажрибанинг 90-қунида аниқроқ намоён бўлди. Ультрокс билан 30 кун давомида фармакотерапиясидан сўнг эритроцитлар мембраналарининг фосфолипид таркибини бироз барқарорлаштиришга ёрдам берди (2-жадвал). Ультрокс, «Биомайс» ва уларнинг комбинацияси ФХ таркибининг назорат гуруҳи билан солиштирганда мос равишда 57; 60 ва 67,1% ($P<0,01$)га сезиларли даражада ошишига олиб келди. Ушбу гуруҳларда биз юқори ЛФХ қийматларини назорат гуруҳининг қийматлари билан солиштирганда мос равишда 36,9; 53,6 ва 63,5% ($P<0,01$) га сезиларли пасайишини кузатдик. Шу билан бирга, ФХ таркиби нормага яқинлашди ва унинг лизо ҳосилалари таркиби гуруҳларга мос равишда 3;2,2 ва 1,8 мартага юқори бўлиб сақланиб қолди.

Атеросклероз фармакотерапиясининг эритроцитлар мембраналарининг фосфолипид таркибига таъсири, М±м

Фосфолипид фракциялари	Интакт	ГХС+Н ₂ О	ГХС+ ультрокс	ГХС+ биомайс	ГХС+ ультрокс+ биомайс
ФХ	42,10±0,40	24,35±0,21 ^а	38,24±0,14 ^б	39,00±0,63 ^б	40,69±0,48 ^б
ЛФХ	3,40±0,14	16,41±0,84 ^а	10,36±0,17 ^а	7,62±0,41 ^{а,б,в}	6,00±0,18 ^{а,б,в}
СМ	13,00±0,49	10,47±0,28	14,13±0,21 ^б	12,63±0,51	13,48±0,35 ^б
ФЭ	8,44±0,42	5,87±0,34 ^а	7,82±0,20 ^б	8,47±0,30 ^б	8,50±0,20 ^б
ЛФЭ	6,13±0,43	8,50±0,22 ^а	7,46±0,15 ^а	6,10±0,26 ^б	6,19±0,13 ^{б,в}
ФС	5,00±0,32	6,07±0,15	4,60±0,10 ^б	5,23±0,19	5,10±0,23
ФИ	6,10±0,11	4,80±0,04 ^а	4,64±0,17 ^а	5,29±0,25	4,64±0,28 ^а
ДФГ	6,19±0,24	4,92±0,03 ^а	5,48±0,13	5,96±0,09 ^б	6,01±0,15 ^б

Изоҳ: (P<0,05): а – интакт гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан; б - назорат гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан; в - таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан сезиларли фарқлар.

СМ паст миқдори атеросклерознинг тажрибавий фармакотерапиясида ультроксни қўллаганда 34,9% га (P<0,05), «Биомайс»ни қўллаганда 20,6% га ва уларнинг комбинациясида назорат гуруҳи қийматларига нисбатан 28,7% га (P<0,05) ошди. Даволаш пайтида СМ кўрсаткичи интакт куёнларнинг қийматларига яқинлашди.

Бошидаги ФЭ нинг паст миқдори тажрибавий атеросклерозни ультрокс, «Биомайс» ва ушбу дориларни микс қўллашда 33,2; 44,3 ва 44,8% (P<0,05) га мос равишда ошди, айниқса дориларни бирга қўллаганда нормага яқинлашди. Шунинг таъкидлаш керакки, куёнларнинг назорат гуруҳидаги эритроцит хужайраларидаги ЛФЭ нинг юқори даражаси ультрокс, «Биомайс» ва уларнинг комбинациясини қабул қилган гуруҳларда мос равишда 12,3; 28,3 ва 27,2% (P<0,05)га камайди. Қийматлар норматив кўрсаткичларга мос келди. Худди шу ўзгаришлар йўналиши ФС миқдори учун ҳам хос бўлди. Тажрибавий атеросклерозни Ультрокс билан даволаш пайтида унинг юқори кўрсаткичлари 1,32 (P<0,05) мартага, «Биомайс»ни қўллаганда - 1,16 мартага, ушбу дориларни биргаликда қўллаганда - 1,19 мартага камайди. Барча ўрганилган гуруҳларда унинг қийматлари айниқса ультроксни қўллаганда интакт гуруҳ кўрсаткичларига яқинлашди. ФИ миқдори эса «Биомайс»ни қўллаганда ортиб борди, лекин интакт куёнларнинг қийматларидан пастроқ бўлди.

Ультрокс, «Биомайс» ва уларнинг комбинацияси атеросклероз ривожланган куёнлар қон зардобиди ёғ кислоталар таркибига таъсирини ўрганиш натижалари лаурин кислотасининг дастлаб юқори миқдори назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан солиштирганда 26,4; 23,6 ва 40,3% (p<0,05)га мос равишда камайганлигини кўрсатди. Агар монотерапия пайтида лаурин кислотанинг таркиби интакт гуруҳ кўрсаткичларидан юқори бўлган бўлса, уларнинг комбинациясида унинг кўрсаткичи интакт гуруҳ қийматиغا яқин бўлди.

Уч турдаги терапия усули қон зардобиди миристин кислотаси миқдорининг назорат гуруҳ кўрсаткичларига мос равишда 23,2; 4,6; 14,8% га

камайтирди. Лекин, у гуруҳларга мос равишда соғлом ҳайвон кўрсаткичларидан 37,4; 70,4 ва 52,2% ($p < 0,01$) га юқори бўлди.

«Биомайс», ультрокс ва уларнинг комбинацияси атероген пальмитин ёғ кислотасининг юқори қийматини куёнларнинг назорат гуруҳидаги кўрсаткичлари билан солиштирганда мос равишда 29,7; 24,4 ва 32,6% ($p < 0,05$)га сезиларли даражада камайтиради. Ультрокс қўлланилганда бу кўрсаткич интакт гуруҳдан 18,2% га юқори бўлди, лекин фақат «Биомайс» ва айниқса препаратлар микс қўлланилганда кўрсаткич нормаллашганини айтишимиз мумкин.

«Биомайс», статин ва уларнинг комбинацияси таъсирида маргарин ёғ кислотасининг миқдори назорат гуруҳидаги ҳайвонларнинг кўрсаткичларига нисбатан 48,6; 51,8 ва 41,5% ($P < 0,05$)га сезиларли даражада камайди. Интакт гуруҳ кўрсаткичидан ҳам пастроқ бўлди.

Даволаш гуруҳларига мос равишда стеарин кислотасининг миқдори назорат ҳайвонлари кўрсаткичлари билан солиштирилганда 43,6; 41,9 ва 54,6% ($P < 0,05$)га камайди. Стеарин кислота миқдори нормаллашди, айниқса микс-терапиядан сўнг ёғ кислота миқдори интакт гуруҳдан 16,5% паст бўлди.

Атеросклероз ривожланган куёнларда «Биомайс» ва ультрокс монотерапиясидан сўнг пальмитоолеин кислотасининг паст миқдори назорат гуруҳидаги қийматларга нисбатан мос равишда 49,3 ва 41,6% ($P < 0,05$) га ошди. Ушбу дориларни биргаликда қўллаш юқори натижа берди ва назорат гуруҳ қийматларига нисбатан 84,5% га ошди.

«Биомайс», ультрокс ва уларнинг комбинацияси билан даволаганда линолен кислотанинг таркиби назорат гуруҳидаги ҳайвонларнинг кўрсаткичлари билан солиштирилганда 45,8; 30,0 ва 56,4% ($P < 0,01$) га мос равишда кўтарилди, лекин интакт гуруҳ қийматларидан гуруҳларга мос равишда 29,7; 37,3 ва 24,7% ($P < 0,05$) га паст бўлди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, «Биомайс» ва ультрокснинг комбинацияси дигомо-γ-линолен ($C_{20:3}$) кислотасининг миқдорини қон зардобида нормаллаштирди. Арахидон ёғ кислотасига препаратларни таъсири турлича бўлди. «Биомайс» ва ультрокс деярли ушбу кўрсаткичга таъсир қилмади, аммо биргаликда қўллаш арахидон ёғ кислотаси миқдорини назорат гуруҳига нисбатан 17,5% га кўтарди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, «Биомайс», ультрокс ва уларнинг комбинацияси билан даволашда барча ЁК нинг юқори даражаси ($87,3 \pm 3,5\%$) аҳамиятсиз даражада 1,1 – 1,2 мартагача пасайди. ТЁК юқори кўрсаткичлари ($63,1 \pm 2,8\%$) «Биомайс», ультрокс ва уларнинг комбинацияси таъсирида 1,4; 1,34 ва 1,61 мартага сезиларли даражада камайди, $44,9 \pm 2,1$; $47,0 \pm 2,0$ ва $39,3 \pm 1,7\%$ ни ташкил қилди, интакт гуруҳда бу кўрсаткич қиймати $38,5 \pm 1,8\%$ ни ташкил этди.

«Биомайс», ультрокс ва уларнинг комбинацияси билан даволашда назорат гуруҳи куёнларида тўйинмаган ёғ кислоталар миқдорининг паст кўрсаткичлари ($24,2 \pm 1,2\%$) мос равишда $27,5 \pm 1,3$; $29,7 \pm 1,4$ ва $31,0 \pm 1,6\%$ га кўтарилди (норма $38,3 \pm 1,5\%$). КТЁКнинг назорат гуруҳидаги паст кўрсаткичлари ($19,4 \pm 1,4\%$) даволашдан сўнг $22,7 \pm 1,3$; $25,7 \pm 1,5$ ва $26,1 \pm 1,6\%$ ни ташкил этган бўлса, норма $32,6 \pm 2,1\%$.

«Биомайс», ультрокс ва уларнинг комбинацияси билан коррекция қилинганда назорат гуруҳи қуёнларида тўйинган кислоталарнинг тўйинмаган кислоталарга нисбатининг юқори кўрсаткичлари ($2,61 \pm 0,4$) 1,65; 1,6 ва 2,1 ($p < 0,001$) мартага ишончли камайди.

МДА миқдори текширув даврида ультрокс билан даволаганда назорат гуруҳ кўрсаткичидан 76,3; 76,8 ва 60,5% ($p < 0,001$)га камайди. Бир вақтнинг ўзида назорат гуруҳидаги ҳайвонларнинг кўрсаткичлари билан солиштирилганда мос равишда ДК миқдори ҳам 3,6; 3,4 ва 3,3 ($p < 0,001$) мартага камайди. СОД фаоллиги мос равишда 2,4; 2,3 ва 2,5 ($p < 0,001$) мартага ошди. Каталаза фаоллиги назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирилганда мос равишда 1,8; 1,9 ва 1,7 ($p < 0,001$) мартага ошди. Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, ультрокс каталаза фаоллигига самарали таъсир қилмайди, аммо атеросклероз ривожланишини кучайтирадиган липид пероксидланиш жараёнларини камайтиради. Статинлар томонидан холестерин биосинтезини ингибирлаш, антиоксидант тизим фаолиятини пасайтириш ЗПЛПнинг эркин радикаллар таъсирида оксидланишини кучайишига ва томир деворларини атероген шикастланишига олиб келади.


«Биомайс» билан коррекция қилинганда, тажрибанинг 70-, 80- ва 90-кунларида МДА миқдори ҳайвонларнинг назорат гуруҳ кўрсаткичлари билан солиштирилганда мос равишда 82,6; 90,6 ва 91,8% ($P < 0,001$)га камайди. Дием миқдори мос равишда 3,4; 3,5 ва 3,47 ($P < 0,001$) мартага камайди. СОД фаоллиги «Биомайс» таъсирида 2,6; 2,5 ва 2,7 ($P < 0,001$) мартага ошди. Каталаза фаоллиги 1,6; 1,7 ва 1,71 ($P < 0,001$) мартага мос равишда кўтарилди.

Ультрокс ва «Биомайс» билан атеросклерознинг комбинацияланган фармакотерапияси МДА миқдори тажрибанинг 70-, 80- ва 90-кунларида мос равишда 2,0; 2,06 ва 2,08 ($P < 0,001$) мартага камайди. Дием миқдори 3,8; 3,5 ва 4,04 ($P < 0,001$) мартага камайди. Комплекс даволашдан сўнг СОД фаоллиги 2,5; 2,51 ва 2,7 мартага ($P < 0,001$) кўтарилди. Каталаза фаоллиги барча текширув даврларида бошланғич кўрсаткичдан 2 мартага юқори бўлди. Маълумотлардан кўриниб турибдики, атеросклерозни статинлар ва БФҚ «Биомайс» ёрдамида микс - даволаш ЛПО-АОС кўрсаткичларига самаралироқ таъсир қилди.


Бизнинг тахмин бўйича, оксидант ва антиоксидант тизимидаги бу ўзгаришлар БФҚ «Биомайс» таркибига кирувчи витамин Е кўпайиши билан боғлиқдир.

Тажрибавий атеросклероз билан оғриган қуёнларнинг қон зардобидида тажрибанинг 90-кунидида Е витаминнинг миқдори интакт гуруҳга нисбатан статистик равишда 42,3%га ($P < 0,05$) камайди ва $0,45 \pm 0,02\%$ /мл ни ташкил қилди. Ультрокс билан даволашда биз фақат ўсиш тенденциясини кузатдик - $0,5 \pm 0,01\%$ /мл ни ташкил этди. «Биомайс» ва унинг ультрокс билан комбинацияда фойдаланиш қон зардобидидаги Е витаминнинг миқдори назорат гуруҳ ҳайвонлар кўрсаткичлари билан солиштирилганда статистик жиҳатдан сезиларли даражада 31,1 ва 57,8% ($P < 0,01$)га мос равишда ошди ва $0,59 \pm 0,02$ ва $0,71 \pm 0,01\%$ /мл ташкил қилди. Препаратларни биргаликда қўллаш бу кўрсаткични интакт қуёнлар кўрсаткичига яқинлаштирди.

Ультрокс моддасини 30 кун давомида оғиз орқали киритилиш натижасида, аорта қон томири деворида юзага келган морфологик ўзгаришлар ўрганилди. Бу гуруҳдаги морфологик ўзгаришларнинг ўзига хослиги, гиполипидемиянинг ривожланиши оқибатида аортанинг интима қаватида липидознинг кескин камайиши, липосклероз чақирилган ўчоқлар юзасида липидли чўкмаларнинг камайганлигидир. Субэндотелиал қаватда миграцияланган холестеринли киритмаларни кам тутувчи макрофагларнинг морфофункционал фаол шакллари аниқланади (5- расм).



5-расм. (3 гуруҳ) Аорта томири. Интима юзаси нотекис деструкцияланган (1). Интерстициал кальциноз ўчоқлари аниқланади (2), ўрта қаватида яққол тасвирланган шишлар (3). Бўёқ Г.Э. Ўлчами 4x10.




6-расм. (3 гуруҳ) Аорта томири ўрта қавати. Мушак хужайралари титилган. Оралиқда дағал толали тузилмаларининг деструкцияси ва дезорганизацияси (1), оралиқда шишлар ва кальций тузларининг толалар периметри бўйича контурли тўпланиши (2). Бўёқ Г.Э. Ўлчами 40x10.

Бу ўзгаришлар асосан ўчоқли кўринишда бўлиб, шикастланган ва атероматоз ўчоқлар атрофида лимфоцитар инфильтрация ўчоқларининг шакланганлиги жараёни тез тусда репаратив регенерация ва томир интимасининг қайта тикланаётганлигини англатади. Ўрта қаватида кальциноз ўчоқларининг дағал толали тузилмалар периметри бўйлаб контурли чўкма кўринишида бўлиши эса, шу қаватдаги миоцитларнинг морфофункционал қисқариши қобилиятини кескин камайтирганлигини англатади. Натижада оралиқдаги фибробластлар томонидан синтезланган тропоколлаген ва коллаген толаларнинг ўзаро тартибсиз жипсланган ўчоқлари аниқланди (6-расм).


«Биомайс»ни қўллаш натижасида гиполипидемик, гипохолестеринемик, антиоксидантлик таъсирлари қуйидаги кўринишларда намоён бўлди: липосклероз чақирилган ўчоқлар юзасида липидли чўкмаларнинг камайганлиги, субэндотелиал қаватдан миграцияланган холестеринли киритмаларни кам тутувчи макрофагларнинг морфофункционал фаол шакллари аниқланди (7-расм).

Гиперхолестеринемия ҳолати «Биомайс» препарати билан даволанганда аорта девори интимасида ривожланган липидоз ва липосклероз ўчоқларнинг

олдинги гуруҳга нисбатан кам даражада эканлиги аниқланди. Морфологик жиҳатдан аорта девори эндотелийси ва интимасида шиш, мукоид ва фибриноид бўқиш каби дезорганизацияли жараёнларнинг нисбатан кам даражада ривожланганлиги, холестериннинг камроқ шимилганлиги, липоидоз ўчоқларнинг ҳам кам даражада, ҳам чегараланган ҳолатда пайдо бўлганлиги кузатилди. Липоидоз атрофида 3-чи гуруҳга нисбатан кўпикли хужайраларнинг миқдори кам даражада пайдо бўлганлиги, аорта девори мушак қавати структуравий жиҳатдан шишга ва титилишга кам даражада чалинганлиги аниқланди (8-расм).




7-расм. (4 гуруҳ) Аорта томири. Ўрта қаватда шаклланган кальциноз ўчоқларининг оролча кўринишидаги парчаланган ўчоқлари (1), ўрта қаватда оралик шишлар сақланган (2). Адвентиция қаватида сийрак толали тузилмалар ва нисбатан оралик шишлар аниқланади (3). Бўёқ Г.Э. Ўлчами 20x10.




8-расм. (4 гуруҳ) Аорта интимаси. Субэндотелиал қаватдаги кўпиксимон хужайраларнинг ҳажман кичрайганлиги (1), ораликда шаклланган сийрак толали тузилмаларнинг хар хил тармоқланган хаотик ўчоқлари аниқланади (2). Бўёқ Г.Э. Ўлчами 40x10.

Микс - даволашдан сўнг аортада макроскопик жиҳатдан атеросклеротик плакчаларнинг ҳажми ва сони камайганлиги аниқланади. Томир деворидаги плакчалар таркибидаги атероматоз ўчоқларнинг кескин камайиши, гипохолестеринемия, гиполипидемия ва тўпланган ёғли детритларни элиминацияловчи макрофагларда антиоксидантлик фаоллигини кескин ошиши билан изоҳланади. Микроскопик жиҳатдан аорта интимаси юзасида ҳали такомил топаётган ёғли доғларнинг кескин камайганлиги, эндотелий юзаларида миграцияланаётган семиз хужайраларнинг кўриниш майдони 200x да 1-3 тагача аниқланиши, ғадир-будир юзали ўчоқларнинг нисбатан силликланиши, эндотелиоцитларда пролифератив фаолликнинг ошганлиги аниқланади. Бу эса, аорта интимасининг юзасида нотекис троекториал текстуранинг бошқа гуруҳларга нисбатан кам даражада ривожланганлигини кўрсатади. Субэндотелиал қаватда ёғли оксилли детритнинг (атерома) кескин камайганлиги ва томир деворида пуфакчали хужайралар (макрофаглар)нинг ҳам сон жиҳатдан кескин камайганлиги аниқланади (9-расм).



9-расм. (5 гуруҳ) Аорта томири. Томир юзасида шаклланган липосклероз ва атеросклеротик пилакча бўшлиғида кўпikli хужайраларнинг кескин камайганлиги (1), аксарият пилакча таркибида базофил бўялган толали тузилмаларнинг кўпайганлиги аниқланади (2). Томир девори гистиоархитектоникаси сақланган. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 4x10.



10-расм. (5 гуруҳ) Аорта томири. Ўрта қаватида оралик тўқима кальцинози ўчоқлари аниқланади. Томир эндотелийси траекторияси текис ва раvon кўринишда. Бўёқ Г.Э. Ўлчами 10x10.

Олинган натижалар комбинацияланган даволаш усулини гиполипидемик, гипохолестеринемик, антиоксидант таъсирини намоён қилди. Аортанинг интима қаватида липидли доғларнинг кескин камайганлиги, юзасида кўпиксимон хужайраларнинг (макрофагларнинг) ўрта қаватларга миграцияланмаган. Субэндотелиал қаватда кўпик хужайралар хажман камайган, атрофида шаклланган атераматоз ўчоқлар атрофида фуксинофил толаларнинг шаклланганлиги аниқланди. Липосклерозли ўчоқларда липидли чўкмалар ва субэндотелиал қаватдан миграцияланган холестеринли киритмаларни кам тутувчи макрофагларнинг морфофункционал фаол шакллари камайган (10-расм).

Тажрибавий атеросклерозни статин ва «Биомайс» билан комбинацияланган ҳолда даволаш аорта деворини морфологик жиҳатдан ўрганганимизда маълум бўлдики, аорта деворида гиперхолестеринемия натижасида ривожланган дистрофик ва дегенератив ўзгаришларнинг монотерапияга нисбатан сезиларли даражада камайганлиги аниқланди. Морфологик жиҳатдан аорта ички қавати, яъни эндотелийси ва интимаси меърий тузилишга яқин ҳолатдалиги, унда шиш, мукоид бўкиш ва холестериннинг нисбатан кам даражада шимилганлиги аниқланди. Аорта девори интимасида липоидоз ва липосклероз каби патологик ўчоқлар кам даражада ва майда ўчоқли кўринишда пайдо бўлганлиги: таркибидаги холестерин кристалларининг йўқлиги, атрофидаги макрофагал реакция кам даражада ривожланганлиги ва склероз жараёнига ўтмаганлиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

“Атеросклерозда апопротеинларнинг рецепторлари билан ўзаро таъсирининг молекуляр-хужайравий механизмлари” мавзусидаги фан доктори (DSc) (тиббиёт фанлари) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

1. Тажрибавий атеросклерозда, атеросклерознинг ривожланиш муддатига қараб, дастлаб эритроцитлар мембранасидаги фосфолипид фракцияларининг нисбати бузилади. «Биомайс» эритроцитлар мембранасининг фосфолипид таркибига ультроксга қараганда анча яхши таъсир кўрсатди. Ушбу дориларни биргаликда қўллаганда таъсири юқорироқ бўлди, деб топилди.

2. Тажрибавий атеросклероз ривожланиши билан антиоксидант тизим ферментларининг фаоллиги пасайиб кетди: СОД фаоллиги каталазага қараганда сезиларли даражада. Ҳайвонларда оксидланиш жараёнлари ва липид пероксидациясининг кучайиши антиоксидант ҳимоя тизим фаоллигини пасайиш фонида кузатилди.

3. «Биомайс» Лп-ФЛА₂ га антитаначалар миқдорини дастлабки қийматдан 17,7% га камайтди. Препаратларни 30 кун давомида биргаликда қўллаш Лп-ФЛА₂ га антитаначалар миқдорини дастлабки қийматдан 36,2% га камайтди ва бу дорилар ўртасидаги яхши синергия борлигидан далолат беради.

4. Тўйинган ёғ кислоталар таркиби «Биомайс» ва ультроксга биргаликда қўллаганда нормаллашди (39,31, норма - 38,5%/1 мг), тўйинмаган ва қўп тўйинмаган ёғ кислоталар миқдори эса интакт ҳайвонлар кўрсаткичларига етиб бормади, гарчи уларнинг даражаси назорат гуруҳидан кўтарилган бўлса ҳам.

5. Тажрибавий гиперхолестеролемия билан қуёнларни аралаш даволаш оксидловчи стресс даражасини пасайтирди ва антиоксидант тизимнинг фаоллигини монотерапияга қараганда самаралироқ оширди.

6. LOX-1 ва ЗПЛПр атеросклерозни прогноз қилишга ишончли диагностик тестлар бўлиб ҳисобланади. Уларда юқори сезувчанлик (СЕ) - 0,77, 0,84, ўзига хослик (SP) - 0,83; 0,9, диагностик самарадорлиги (AUC) - 0,8; 0,85 мос равишда. Тестлар - атеросклероз ривожланишининг яхши прогноз белгиларидир. Патогенетик қиймати RR LOX-1 учун (3,6; 95% CI 1,3-10,5) ва ЗПЛПр учун (5,5; 95% CI 1,5-19,7). Ультрокс ва «Биомайс»дан сўнг LOX-1 миқдори дастлабки даражадан мос равишда 1,3 ва 1,4 мартага камайди ва уларнинг комбинациясида нормал ҳолатга қайтди.

7. «Биомайс» ва ультрокс билан монотерапия таъсирида ЗПЛПр таркиби бошланғич қийматдан мос равишда 27 ва 23,5% га ошди. Комбинацияда қўлланилганда даволаш самарадорлиги 62% ни ташкил этди.

8. Даволанмаган ҳайвонларда 90-кунда дезорганизация (шиш, шиллиқ ва фибриноид бўқиш) ва строма-васкуляр оксилли дистрофия кузатилди. Аортанинг эндотелий ва интимал қаватида холестериннинг сўрилиши ҳисобига липоидоз ўчоқлари, бириктирувчи тўқима хужайраларида, жумладан, макрофагларда ҳам, интерстициал моддада липидлар тўпланиши

ҳисобига кўпик ҳужайралар ҳосил бўлди. Ушбу жараёнларга жавобан гистоцитлар ва лимфоид ҳужайралар пролиферацияланиб инфильтрат ҳосил қилди.

9. Аорта деворининг эндотелий ва интимасида (шиш, шиллик ва фибриноид бўкиш) «Биомайс» билан даволагандан сўнг тартибсиз жараёнлар заифлашди. Ультроксдан кейин ҳам яхши таъсир кўрмадик. Дори воситаларни биргаликда қўллаш аорта ички қатламининг ҳолати нормал тузилишга яқинроқ эканлигини кўрсатди, дегенератив ўзгаришлар деярли йўқолди: шисш, шиллик бўкиш ва холестериннинг тўпланиши камайди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

АЗИЗОВА ДИЛЗОДА МАРАТОВНА

**МОЛЕКУЛЯРНО-КЛЕТОЧНЫЕ МЕХАНИЗМЫ ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ
АПОПРОТЕИНОВ С ИХ РЕЦЕПТОРАМИ ПРИ АТЕРОСКЛЕРОЗЕ**

03.00.01 –Биохимия

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА МЕДИЦИНСКИХ НАУК (DSc)**

ТАШКЕНТ – 2024

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2021.2.DSc/Tib551.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:	Сабирова Рихси Абдукадыровна доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Юлдашев Носир Мухамеджанович доктор биологических наук, профессор Парпиева Наргиза Нусратовна доктор медицинских наук, профессор Ишигов Ибрагим Агаевич доктор медицинских наук, профессор (Республика Казахстан)
Ведущая организация:	Ташкентский государственный стоматологический институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2024 г. в ___ часов на заседании разового научного совета на основе Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, г. Ташкент, ул. Фароби, 2. Ташкентская медицинская академия, 10 учебный корпус, 1 этаж. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за _____). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби, дом 2. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2024 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2024 года)

Г.И. Шайхова

Председатель разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Ученый секретарь разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

М.Ж. Аллаева

Председатель научного семинара при разовом научном совете на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор биологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребанность темы диссертации. Сердечно-сосудистое заболевание (ССЗ) - одно из основных причин смертности и инвалидности в мире, ежегодно унося жизни 17,9 млн. чел. На его долю приходится треть всех смертей на планете: почти половина смертей от неинфекционных заболеваний и около 85% этих смертей вызваны болезнями сердца и инсультом. Кроме того, 70% больных умирают внезапно от сердечно-сосудистых заболеваний. Причем, в более чем 50% случаев это происходит в субклинической стадии атеросклероза. В основе большинства ССЗ лежит атеросклероз, который развивается в течение многих лет без клинических симптомов, без генетических факторов, не влияя на образ жизни. По данным ВОЗ, «...среди неинфекционных патологий заболеваемость ССЗ составляет 12% от общей численности населения, 30% - от причин всех смертей...»¹. Высокая распространенность атеросклероза и большая смертность вызывают необходимость включения его лечения и прогнозирования в число острых проблем современной медицины. В настоящее время разработан ряд новых биологических маркеров для ранней диагностики атеросклероза, однако четких рекомендаций по их использованию в клинико-диагностической практике не выработано. Циркулирующие биомаркеры, определяющие патофизиологические пути атерогенеза, представляют больше информации для раннего выявления риска, чем инвазивные методы визуализации субклинических атеросклеротических изменений сосудов. Исходя из вышеизложенных, оценка влияния безвредных, эффективных, натуральных препаратов с антиоксидантными свойствами для коррекции атеросклеротического поражения сосудов, а также разработка методов ранней диагностики является одной из актуальных проблем современной биохимии, требующих решения.

Во всем мире проводятся ряд научных исследований, направленных на изучение молекулярно-клеточных механизмов взаимодействия апопротеинов с их рецепторами при атеросклерозе. В связи с этим особое значение имеют научные исследования, направленные на оценку значений липопротеин-ассоциированной фосфолипазы A₂ (ЛПФЛА₂), изменения фракций фосфолипидов и жирнокислотного спектра в развитии атеросклеротических повреждений аорты, нарушений рецепторного аппарата липопротеинов низкой плотности и оксидантно-антиоксидантной систем, их взаимосвязь в динамике развития экспериментального атеросклероза, оценка эффективности применения биопрепарата «Биомайс» в комплексе со статинами на показатели липопротеинов при экспериментальном атеросклерозе, на активность ЛПФЛА₂, на фосфолипидный и жирнокислотный состав при экспериментальном атеросклерозе, а также морфологическое обоснование эффективности применения комплекса «Биомайс» + статина на степень восстановления склерозированных сосудов.

¹ World health statistics 2023: monitoring health for the SDGs, sustainable development goals

В нашей стране внедряются комплексные меры по развитию медицинской отрасли, приведению её в соответствие с мировыми стандартами, в том числе на профилактику соматических заболеваний различной этиологии. Поэтому, основываясь на семи приоритетах стратегии развития Нового Узбекистана 2022-2026 гг. были поставлены задачи «...повышения качества оказания населению квалифицированных услуг в системе первичной медико-санитарной помощи...»². Исходя из этих задач целесообразно провести исследования направленные на изучение молекулярно-клеточных механизмов взаимодействия апопротеинов с их рецепторами при атеросклерозе.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, отраженных в Указах Президента Республики Узбекистан УП № 60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 г., УП № 5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 г., в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП № 3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» от 20 июня 2017 г., ПП № 103 «О мерах по профилактике и повышению качества лечения сердечно-сосудистых заболеваний» от 26 января 2022 г., ПП № 4887 «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения» от 10 ноября 2020 г. и в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.³

При экспериментальном атеросклерозе ведущими мировыми научно-исследовательскими центрами и высшими учебными заведениями проводится ряд научных исследований, направленных на изучение молекулярно-клеточных механизмов взаимодействия апопротеинов с их рецепторами: University of Chicago, University of Minnesota, Harvard University, Oppenheimer Atherosclerosis Research Center (США); Technische Universität München, Ludwig-Maximilians University, University Heart Center Freiburg (Германия); University of Turku (Финляндия); Maastricht University (Нидерландия); Lund University (Швеция); University of South China (Китай); Научно-исследовательском институте клинической кардиологии им. А.Л.Мясникова (Россия), в Ташкентской медицинской академии (Ташкент, Узбекистан).

В ходе исследований - получен ряд научно-практических результатов по молекулярно-клеточным процессам при атеросклерозе, по совершенствованию

² Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

³ Обзор зарубежных исследований по теме диссертации разработан на основе сайтов www.uchicago.edu, www.twin-cities.umn.edu, www.hartfordinternational.edu, www.cshs.org, www.tum.de, www.lmu.de, www.ims.uniklinik-freiburg.de, www.utu.fi, www.maastrichtuniversity.nl, www.lu.se, www.usc.edu.cn, www.rusintervention.ru, www.cardiocenter.uz, www.fta.uz

методов ранней диагностики и лечения в том числе: обоснована роль и значение липопротеинов низкой плотности, иммунитета, регуляции генов и иммуногенетики при развитии атеросклероза (University of Florida, Oppenheimer Atherosclerosis Research Center, США); доказана роль ингибитора путей тканевого фактора и кальцификации сосудов при атеросклерозе (University of South China (Китай) University of Milan, Италия); установлено значение дислипидемии, семейной гиперхолестеринемии и насыщенных жирных кислот в активизации процессов атеросклероза - (Technische Universität München, (Германия); University of Fudan, Китай); для оценки биохимических показателей при атеросклерозе разработан порядок секвенирования РНК одиночных клеток (University of Minnesota, США); помимо образа жизни и традиционных факторов риска, доказаны новые внешние факторы, вызывающие атеросклероз (University of Ludwig-Maximilians, University of Heart Center Freiburg (Германия); усовершенствованы этапы оценки молекулярно - клеточных взаимодействий апопротеинов с их рецепторами при атеросклерозе (Ташкентская медицинская академия (Узбекистан)).

В мире проводятся ряд исследований, направленных на совершенствование оценки молекулярно-клеточных механизмов взаимодействия апопротеинов с их рецепторами в частности, научные исследования включающие следующие приоритетные направления: обоснование эффективности «Биомайс» в комплексе со статинами на показатели липопротеинов при экспериментальном атеросклерозе; оценка эффективности применения «Биомайс» в комплексе со статинами на активность ЛП-ФЛА₂, на фосфолипидный и жирнокислотный состав при экспериментальном атеросклерозе; оценка эффективности применения препарата «Биомайс» в сочетании со статинами на уровень восстановления системы рецепторов липопротеинов, на показатели оксидантно-антиоксидантной систем и усовершенствовать этапы морфологического обоснования.

Степень изученности проблемы. Исследования молекулярно-клеточных механизмов развития атеросклероза и разработка ранних диагностических критериев ведутся учеными разных стран. Опубликованы результаты нескольких исследований, в которых для ранней диагностики склероза использовали визуальные, циркулирующие и генетические биомаркеры (С.А.Adam, D.L.Şalaru, С. Prisacariu, 2022; N.M.Popa-Fotea, С.Е.Ferdoschi, 2023). Установлено, что содержание насыщенных и ненасыщенных жирных кислот и их соотношение в липопротеинах влияет на их атерогенные свойства. Повышение содержания насыщенных жирных кислот в ЛПНП удлиняет период полураспада, вызывает их окисление, гликозирование и накопление в интима сосудов, что приводит к развитию атеросклероза (S.Berger, G.Raman, R.Vishwanathan, 2015). С другой стороны, показана прямая связь высокого уровня Лп(а) со степенью стенозирования сосудов (A.Maloberti, S.Fabbri, V.Colombo, E.Gualini, 2022). По мнению M.R.Linton et al. (2019) Лп(а) может избыточно задерживаться в интима поврежденных артерий из-за высокой способности связываться с фибрином или гликозаминогликанами, стимулируя воспаление. Следует отметить, что циркулирующие липопротеины и их рецепторы являются основными

факторами в атерогенезе. Важным источником новых фармакологических средств, обладающих гиполипидемическим действием, является растительное сырье. В их состав входит производное спирта октакозанола поликозанол. Больше всего он содержится в масле зародышей пшеницы. Доказаны его противовоспалительное, гепатозащитное и другие фармакологические действия (Н.С.Родионова, Т.В.Алексеева, 2014). Наиболее широко применяемыми фармакологическими средствами для терапии дислипидемии и атеросклероза являются статины и фибраты (J.Perk, G.E.Backer, H.I.Gohlke, 2012; S.J.Nicholls, 2016; N.J.Viney, 2016; И.В.Сергиенко, 2021). Но их эффективность довольно спорная из-за побочных проявлений.

В Узбекистане проведен ряд исследований по профилактике сосудистых заболеваний, внедрению эффективных способов лечения – от методов ранней диагностики до улучшения биохимических показателей, увеличения длительности жизни пациентов (Р.Д. Курбанов, 2017; Х.Я. Каримов, 2021; З.Р. Хайбулина, 2022; Н.М.Юлдашев, 2022), однако оценка молекулярно-клеточных механизмов, взаимодействия апопротеинов с их рецепторами не усовершенствованы.

Современные зарубежные и отечественные публикации подтверждают, что поиск новых молекулярно-биологических мишеней фармакологического действия при атеросклерозе и создание новых биологически активных соединений с гиполипидемическим действием по-прежнему актуальны. Не установлен порядок применения «Биомайс» в сочетании со статинами на показатели липопротеинов при экспериментальном атеросклерозе. При экспериментальном атеросклерозе биологически активная добавка «Биомайс» не использован совместно со статинами для подавления активность ЛП-ФЛА₂, для восстановления содержание фосфолипидов и жирных кислот. Поиск решения проблемы путем оценки биохимических и морфологических параметров восстановления рецепторного аппарата липопротеинов, показателей оксидантно-антиоксидантной системы при сочетании БАД «Биомайс» со статинами у кроликов с экспериментальным атеросклерозом является одним из актуальных проблем на сегодняшний день, требующий решения.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного или научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательской работы Ташкентской медицинской академии «Молекулярно-клеточные механизмы развития некоторых патологических состояний и их коррекция» (2019–2022; № 01.1800232.), а также при финансовой поддержке гранта FM-20230414707 (2023–2025 гг.) «Болезни кровообращения (атерокальциноз сонных и подвздошных артерий), клинико-биохимические и патогенетические проблемы, неврологические, когнитивные, костно-суставные осложнения, лечение».

Цель исследования: изучение молекулярно-клеточных механизмов развития атеросклероза, взаимодействия апопротеинов с их рецепторами.

Задачи исследования:

изучить роль липопротеинов в развитии атеросклероза;
доказать значение липопротеид-ассоциированной фосфолипазы A₂, изменения фракций фосфолипидов и жирнокислотного спектра в развитии атеросклероза;

доказать значение нарушения рецепторного аппарата липопротеинов низкой плотности и оксидантно-антиоксидантной систем, их взаимосвязь в динамике развития экспериментального атеросклероза;

оценить эффективность применения «Биомайс» в комплексе со статинами на показатели липопротеинов при экспериментальном атеросклерозе;

